

**ТАЛАБАЛАР ФАОЛЛАШТИРИШДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАЪСИРИ**

**Султанов Хайтбой Эралиевич**

Чирчиқ давлат педагогика университети  
Тасвирий санъат ва дизайн кафедраси доценти  
**Пўлатова Гўзал Абдуваҳоб қизи,**  
**Гуломова Дилнура Хусан қизи талаба**  
e-mail: xayitsultanov@gmail.com

**Аннотация:** мақолада глобализация туфайли таълим хизматларининг халқаро бозорида вужудга келаётган рақобат шароитида олий таълим муассасалар ўртасида халқаро ҳамкорликни ташкил этиш, унинг таълим сифати ва мазмунини такомиллаштиришга таъсири ва натижалари баён этилади.

**Аннотация:** в статье описывается организация международного сотрудничества высших учебных заведений, его влияние и результаты на повышение качества и содержания образования в условиях конкуренции, возникающей на международном рынке образовательных услуг в связи с глобализацией.

**Abstract:** the state describes the organization of international cooperation of higher education tasks, its impact and results on improving the quality and content of education in the face of competition that arises in the international market of educational services in connection with globalization.

**Калит сўзлар:** педагогик фаолият, таълим, таълим алмашинуви, хорижий тажриба, инновация, тасвирий санъат, таълим сифати.

**Ключевые слова:** педагогическая деятельность, образование, образовательный обмен, зарубежный опыт, инновации, изобразительное искусство, качество образования.

**Key words:** pedagogical activity, education, educational exchange, foreign experience, innovations, fine arts, quality of education.

**Кириш.** Айни пайтдаги глобаллашув ва кескин рақобат шароитида бутун жаҳонда рўй берадиган жиддий ўзгаришлар турли халқлар ва давлатлар ўртасидаги муносабатлар тизимини қайта қўриб чиқишини талаб қиласди. Бу нафақат иқтисод ва сиёсий соҳадагина эмас балким, таълим тизимиға ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Таълим хизматларининг халқаро бозорида вужудга келаётган рақобат ҳар қандай мамлакат учун таълим тизимини даврга мослашни талаб қиласди. Келажақдаги мамлакат тараққиёти учун пойдевор сифатида иқтидорли, ақл-заковоти кучли ижодкор авлодни тарбиялаш масаласи

таълимнинг узоқ истиқболга мўлжалланган асосий вазифа ҳисобланади. Агар ривожланишни, дунё ҳамжамиятида ўз ўрнимиз бўлишини ҳохлар эканмиз, келажакда кўзланган мақсадимизга эришишимиз учун, педагогика соҳасидаги замонавий технологияларни хорижий тажрибалар билан бойитишимиз лозим. Бунинг учун хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликнинг янги шаклларини ривожлантириш жуда муҳим. Тўғридан-тўғри ҳамкорлик алоқалари бизга илгор мамлакатлардаги таълим кўрсаткичларини ўрганиш, таҳлил этиш, солиштириш имконини беради. Бу биргаликда истиқболдаги тараққиёт мақсадларини белгилаш, ҳалқаро стандартлар асосида рақобатбардош олий маълумотли мутахассислар тайёрлашга ёрдам беради.

**Илмий-тадқиқот методлари.** Ҳалқаро таълим алмашинуви талабаларга ўз малакаларини ошириш, бошқа давлатнинг маданияти, меҳнат ва турмуш шароити билан танишиш имкониятини беради<sup>1</sup> деб таъкидлашади хорижлик мутахассислар. Маҳаллий ва хорижий муаллифлар изланишларида ушбу мавзуга жуда кўп мурожаатлар қилинган. Лекин, олий таълим хизматларининг ҳалқаро бозордаги ижодий ҳамкорлиги нуқтаи назаридан белгиланган позитсияси янада чуқурроқ тадқиқотларни талаб қиласди. Дарҳақиқат, Ҳалқаро ҳамкорликни кенгайтириш, ўзаро интеграцияни кучайтириш орқалигина Олий таълим муассасаларида жаҳонда таълим тизимиға қўйиладиган талабларга мос кадрларни тайёрлаш мумкин. Чет элда таҳсил олган талабаларда билим олиш, илмий тадқиқот ишлари, янги технологиялар ва педагогик фаолият ҳақида янгича дунёқараш ва ғоялар пайдо бўлади. Шундай ёшлар хорижий тажрибалар асосида келажакда бизнинг одатий яшаш тарзимизни ижобий томонга ўзгартириш ва таълим жараёнини янги инновациялар билан бойитишга хизмат қилиши мумкин. Уларнинг фикрлаш даражаси ҳам чекланган бир хил қолипдан чиқиб, миллий интеллігенциямиз ичида янги элитани шакллантиради.

**Натижалар.** Биз ҳозирги кунда яратилаётган мана шундай имкониятлардан унумли фойдаланаяпмизми? деган ҳақли савол туғилади. Бунга фақат “қисман” фойдаланаяпмиз деб жавоб бера олишимиз мумкин. Чунки, университетимизда тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси йўналиши бўйича бу борадаги ишни эндигина бошладик. Ҳозирда таълим тизимида яратилган замонавий имтиёзлар туфайли хорижда ўқиш учун талабгорлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Бундай талабалар бизда ҳам бор. Айниқса, охирги пайтда Россияда магистратура таълимида ўқиши истаётганлар кўпаймоқда. Лекин, бундай йўлни танлаган талабаларда ҳохиш билан бирга аниқ қарорга келишда иккилланиш ҳам бор.

**Мухокамалар.** Бундан икки йил аввал Новосибирск давлат педагогика университети қошидаги Санъат институти ва Чирчик давлат Педагогика

<sup>1</sup> <https://mgs.org.ru/obrazovatelnye-obmeny-v-sotrudniche/>

университетининг Санъатшунослик факультети жамоасининг ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги ташаббуси қўллаб-қувватланди ва бу икки университет раҳбарлари томонидан Халқаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш мақсадида узоқ муддатга мўлжалланган шартнома имзоланди. Бу эса бизга ҳамкорликда ишлашимиз учун катта имкониятлар эшигини очиб берди. Ҳамкорликда фаолият кўрсатиш, тажриба алмашиш мақсадида “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди. Ўқитувчилар стажировкаси, иқтидорли талабаларнинг Халқаро танловлар ва пленер амалиётида қатнашиши йўлга қўйилди. Бу қисқа вақт мобайнида биз ҳамкорларимиздаги таълим жараёнини ташкил этиш тажрибалари ҳамда ўкув дастурлари мазмунидаги биздаги дастурлар билан ўзаро уйғунлигини ўрганмоқдамиз.

Ҳамкорликдаги фаолиятимиз эндиғина бошланди, улкан ишларни амалга ошириш учун вақт керак, яхши натижага эришиш учун эса ҳоҳиш керак. Бу демак, олдинга қўйилган вазифаларни амалга оширишда ўзимиз ва ҳамкорларимиз олдида энг маъсулиятли давр бошланди. БУ давр мобайнида ҳамкорлик алоқаларимизни мустаҳкамлаш учун пойдевор қўйилди деб бемалол айта оламиз. Энди яхши ният билан тузилган шартнома, университетлар раҳбарларининг ишончини оқлашимиз керак. Бунинг учун НДПУ Санъат институти ва ЧДПУ Санъатшунослик факультети профессор-ўқитувчилар жамоасида фаол ҳаракати ва маъсулиятни ошириш керак бўлади. Ҳамкорликдаги тадбирларга талабаларни қўпроқ жалб этиш, шарт-шароитлар яратиб беришда уларнинг жонбозликлари жуда муҳим. Ёшларимизга хорижий ҳамкор муассаса, у жойлашган мамлакатнинг маданияти, урф-одатлари, тарихи ва саъатини акс эттирувчи машҳур обьектлар, музейлари ҳақида қўпроқ маълумотлар беришимиз керак. Фақат маълумотлар бериш билан иш битмайди. талабалар ўзга мамлакатдаги таълим учун шароит, мавжуд имкониятларни ўз кўзи билан кўрмаса қанчалик уринсакда, барча ҳаракатларимиз бефойда кетиши мумкин. Шунинг учун хорижий ҳамкор муассасаларга қисқа муддатли сафарлар (Халқаро пленер амалиёти, стажировкалар) албатта ўз натижаларини беради деб умид қиласиз. Ушбу тадбирларда профессор-ўқитувчи ва талабаларни университет жойлашган ҳудудаги кўзга кўринган тарихий обидалар, туристик зоналар, маданият марказлари, музей ва галареяларга ташрифини ташкиллаштириш яхши самара беради. Масалан: биз ўтган йили борганимизда Санъат институти раҳбарлари бизни НДПУ таълим жараёни ундаги шарт-шароитлардан ташқари ҳудуддаги кўзга кўринган обьектлар ва хушманзара жойларга ҳам саёҳат уюштириши. Бизда Новосибирск академик драма ва балет театри, Академгородок, Этнография музейи, Очиқ осмон остидаги музей, айни пайтда ўтказилаётган кўргазмалар жуда катта таасурот қолдирди. Россиялик профессор-ўқитувчилар ва талабалар келишганда Самарқанд, Бухоро каби тарихий жойлар

ва Чорвоқ тоғ худудидаги хушманзара жойларга кўпроқ қизиққанликларининг гувоҳи бўлдик. Мана шундай ташкил этилган ҳамкорлик юқорида айтилганидек албатта талабаларнинг хорижий таълимга бўлган ижобий муносабатларини шакллантиради.

Албатта, масофанинг узоқлиги икки томон учун ҳам доимий мулоқот қилишга имкон бермайди. Аммо, бундай вазиятларда замонавий ахборот алмашиш воситаларидан унумли фойдаланиш мумкин. Ҳозирда НГПУ билан ҳамкорликда услубий материалларни ишлаб чиқиш, талабаларнинг ҳалқаро илмий конференцияларида иштирокини таъминлаш борасида биринчи қадамлар ташланмоқда. Буларнинг барчаси келажакда икки томон учун ҳам университетларнинг ўқув-услубий, илмий-тадқиқот фаолиятида албатта ўзининг ижобий натижаларини беради деб ишонамиз. Лекин, талабалар алмашинуви масаласида ҳали бирор натижага эриша олмадик. Хорижда ўқиши ҳоҳловчилар кўп, лекин улардаги иккиланиш объектив ва субъектив қийинчиликлар билан боғлиқ.

Бунда учрайдиган объектив қийинчиликлар:

- янги маданиятга кўникишдан чўчиш ва тил тўсиғи мавжуд, бу эса талабалардаги янги жойга мослашиш ва мулоқотда қийинчиликларга олиб келиши мумкин.
- шартнома тўловларидағи фарқ ва яшаш жойи, овқатланиш ва транспорт харажатларини қоплашда молиявий қийинчиликларга дуч келишлари мумкин.
- бошқа давлатдаги таълим жараёнининг ўзига хос хусусиятлари талабалар ўз мамлакатида ўрганиб қолганидан фарқ қилиши мумкинлиги.

Ҳалқаро талабалар алмашинуви:

- оиласи ва ўрганиб қолган доимий дўстларидан ажралишдан чўчиш;
- янги муҳитда учрайдиган қийинчиликлардан чўчиш;
- янги маданият ва турмуш тарзига руҳан тайёр эмаслиги каби субъектив қийинчиликлари ўз ичига олади:

Шунинг учун четдан талабаларни жалб қилиш учун талабаларни қизиқтиришда аниқ вазифаларни белгилаб олишимиз керак. Бунга эриша олган тақдиримизда ҳалқаро алмашинуви талабаларимизнинг шахсий ва қасбий ўсишлари учун кўплаб имтиёз ва имкониятлар беради. Бунда эса улар қийинчиликларга тайёр бўлиши ва университет ва оиласи томонидан қўллаб-қувватланиши жуда муҳим.

**Хулоса.** Талабаларнинг олий таълим муассасаларидағи фаоллиги ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Улар турли мамлакатлардаги университетлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, билим ва тажриба алмашишнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб, маданий бойитишга ҳам ҳисса қўшмоқда. Шу боис талабаларнинг фаоллигини қўллаб-қувватлаш ва

рағбатлантириш, уларнинг турли халқаро лойиха ва ташаббусларда иштирок этиши учун шароит яратиш муҳим аҳамиятга эга.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Eraliyevich, S. H. (2021). Shaping Students' Spiritual Worldviews Through Fine Arts. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(05), 79-86.
2. Eralievich, S. K. (2020). The importance of a cluster in achieving efficiency of educational quality. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences* Vol, 8(11).
3. Хайтбой Эралиевич Султанов Методика преподавания прикладной графики в художественно-образовательных учреждениях Республики Узбекистан // PEDAGOGS Jurnalı, 32(2), 4–8.
4. Хайтбой Эралиевич Султанов, Нулуфар Хикматуллаевна Бойназарова Тасвирий санъат таълимида кластер ёндашуви орқали ўшларнинг маънавий дунёқарашини шакллантириш // Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities 11(3), 376-382
5. Эралиевич, С. X., & Алимова Нодира Шавкат қизи. (2023). Zamonaviy ta’limda tasviriy san’atni o‘qitish muammolari. innovative developments and research in education, 2(15), 7–12.
6. Бердиев, Д. А. (2023). Кластер ҳамкорлигига ташкил этилган тасвирий санъат тўгаракларнинг таълим-тарбия соҳасидаги аҳамияти. Innovative developments and research in education, 2(15), 13-18.
7. Abduvoitovich, B. D. (2023). Tasviriy san’atda innovatsion pedagogik texnologiyalardan foydalanishning ahamiyati. So‘ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi, 6(4), 54-58.
8. Имоматова, У. М. (2023, March). Композицияда эскиз бажариш орқали бадиий тасаввурни ошириш. In International scientific research conference (Vol. 1, No. 12, pp. 13-17).
9. Doston Abduvoitovich Berdiyev Maktablarda tasviriy san’at fanini o‘qitishda kelajak ta’limi steam interaktiv ta’limini rivojlantirish // "Science and Education" Scientific Journal/ ISSN 2181-0842 February 2022/ Volume 3 Issue 2 Pages: 687-690
10. Султанов Хайтбой Эралиевич, Бердиев Достон Абдувоитович Тасвирий санъатда кластер ёндашуви сифатида стеам таълимини татбиқ этиш// научный журнал Иртенаука/ часть 7. Москва, 2022 № 15(238) - ст 13-14
11. Berdiyev Doston Abduvoitovich. (2023). Tasviriy san’atning fanlararo aloqlar tizimidagi o’rni. *PEDAGOGS Jurnalı*, 31(1), 142–148.

12. Berdiyev Doston Abduvoitovich. (2023). Steam ta’limini tatbiq etish orqali tasviriy san’at fanini o‘qitish metodikasi mazmunini takomillashtirish usullari. O‘zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali, 2(18), 187–193. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7843850>
13. Berdiyev Doston Abduvoitovich 2023. Umumta’lim maktablarida tasviriy san’atni o‘qitish muammolari (tasviriy san’atni o‘qitish metodikasi tarixi). *Scientific Impulse*. 1, 9 (May 2023), 520–527.
14. Bozorov Farhod Toyir o’g’li Ijodiy to’garaklar orqali talaba-yoshlardagi tadbirkorlik ko’nikmalarini shakllantirish texnologiyalari (tasviriy san’at) // Journal of new century innovations. – 2023. – T. 27. – №. 4. – C. 113-117.
15. <https://mgs.org.ru/obrazovatelnye-obmeny-v-sotrudniche/>